

MINT ФАНЛАРИ ВА CLIL МЕТОДИННИНГ ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Б.Хамракулова
ЎзДЖТУ

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий тилларни ўргатишга доир масалалар кўриб чиқлади, MINT фанлари ва CLIL методи таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: олий таълим, ҳалқ таълими, MINT фанлари, CLIL методи фанлараро боғлиқлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 6 майдаги йиғилишда «Чет тилларини ўқитишга оид янгиликларни» маълум қилди. Шунга асосан: «Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўкув юрти битиравчилари камида иккита чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбарни фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим», дейди раҳбаримиз Шавкат Мирзиёев.

Ушбу мақсадга эришиш учун чет тили ўргатиш тизимини ўрта мактабда керак бўлса бошланғич синфлардаёқ янгилаш, тизимга жаҳон талаблари даражасидаги ўқитиш методикаларини киритиш талаб этилади.

Алоҳида шунга ургу берилдики, жумладан хизматчиларнинг касбий фаолиятини хорижий тилларда тўлиқ амалга ошириш имкониятини берадиган методикаларни ишлаб чикиш, шароитга мосланган ҳолда, амалга ошириш кабилар.

Бугунги талаблардан келиб чиқсан ҳолда MINT фанларини давлат таълим стандарти асосида умум таълим мактабларининг 5-8 синфларида чет тилида CLIL методи орқали ўқитишни йўлга қўйиш айни муддао бўлади.

Бу тажриба мақсади асосан, ўқувчиларнинг ёшлигиданоқ профессионал келажагини аниқлашга, чет тили фанларини янада қизиқарли ва самарали ўзлаштиришга қаратилган.

AICLE (Aprendizaje Integrado de Contenidos y Lenguas Extranjeras) – Фан ва тилни интеграллашган ҳолда ўқитиш – бу қўшимча тил (чет тили ёки иккинчи тил) орқали ҳам фанни, ҳам тилни ўргатиш. CLIL атамаси 1994 йилда Девид Марш томонидан методология сифатида киритилган.

Испаниядаги AICLE методи хориждаги лойиҳалардан фарқ қиласи. Чунки бу ерда ўқитувчиларни тайёрлаш икки фан бўйича бўлиб ўтади. Мисол учун география ва испан тили ўқитувчиси. Бу география фанини испан тилида ўқитиш имконини беради.

Айниқса тил жиҳатидан жуда хилам-хил бўлган ўқиш манзааси талабларни қондириши учун, мактаб дарслари кўп тилли тушунчани очиши ва маданиятлараро тарғибот қилиши зарур.

Шу ўринда Евро-Комиссия Дутеп Вольф тавсифлаганидек, учта йўналишдан ўтган, улардан бири AICLE ёндашуви. Евро-Комиссияда фақат чет тилини ўқитишдан ташқари, бошқа фанларни ҳам чет тилида ўқитиш марказда бўлиши кераклиги таъкидланади.

Табиийки савол туғилади, бизда бу борада олий ўқув юртларида ҳали аниқ ишлар йўлга қўйилмаганку. Саволнинг ечими шундан иборатки, чет тили ўқитувчисининг бошқа бир фан, айтайлик ботаника фани ўқитувчи билан тандемда ишлаш орқали амалга оширилади. Бу фанларни барчамиз мактаб пайтилизда ўқиганмиз, айрим мавзуларда етарли билимга ҳам эгамиз. Биздан талаб қилинадиган нарса, чет тилини ҳалкаро миқёсда билишимиз ва уни ўқувчига етказиб беришдан иборат.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда тил марказлари бу тенденцияни бир неча йиллардан буён тан олган ва бутун дунё бўйлаб барча ёш гуруҳларининг бошқа мақсадли гуруҳларига қаратилган турли ҳил ташабbusлари билан жавоб беради. Албатта биз учун бу қувонарли ютуқ. Ҳозирда тил марказлари марказий ва чет эл институтлари орқали жуда кўп ва ҳилма-ҳил AICLE лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширмоқда ва уни интернет веб - сайтларида батафсил ёритиб бормоқда.

AICLE методи орқали аниқ фанларни чет тилида ўрганиш ўқувчиларнинг тилга бўлган қизиқишиларини янада оширади. Түрли ҳил экспериментлар ва ҳаракатлар орқали тилни ўзлаштириш янада осонроқ амалга оширилада. Бунга яққол мисол қилиб “Рақамли Болалар Университети” - норасмий рақамли ўқув юрти 8-12 ёшдаги болалар учун мўлжалланган бўлиб, бу кичик олимларга ўzlари қизиқтирган саволларга жавоб топишга ёрдам беради. Кундалик ҳаётни, табиат ходисаларини, технологияларни ва бошқа кўплаб нарсаларни мустақил равишда испан тилида ўрганишга кўмаклашади.

AICLE методининг афзалликлариға фанлараро боғлиқлик маданий аспектлардан хабардорлик, тил компетентлиги, ўрганган билимларни реал ҳаётда қўллашга тайёр бўлиш, ҳаётга қизиқиш ва омад сари интилиш киради. Дарҳақиқат биз янги, замонавий давлат қуришни истасак, давлатлар аро яқин муносабатларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратишимиш керак. Бу борада айни таянч бўладиган чет тили соҳасига янги ўзгартиришлар киритилиши, чет тилини ўқитиш методларини жаҳон стандартлари асосида йўлга қўйилиши ва янги инновацион ғояларни қўрқмасдан давлат таълим муассасаларида тадбиқ қилиниши устувор мақсад бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1) kun.uz/news/2021/05/06/videoelektor-mirziyaev-chet-tillarini-ukitishga-oid-yangiliklar.
- 2) Таджибаева Д.А. “Болалар учун чет тили” – Мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синфларда чет тилидан дарс бераётган ўқитувчилар учун методик тавсиялар. Тошкент. – 2016. С.25
- 3) Ачилова, З. П. Талабаларнинг оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантириш услуллари. <https://journal.fledu.uz/uz/issue/1-5-2015> (2022).